

Ўрнингиздан қимирламанг!



14:30 / 03.06.2024 2315

Қурайш мушриклари Бадр ғазотидан синган ҳолда чиқди. Ислом уларнинг кибриёсини тупроққа беледи. Унда кофирларнинг энг кўзга кўринган бошлиқларидан бир қанчаси ҳалок бўлди.

Мана шу жиҳатдан Уҳуд ғазоти ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш маъносида Бадрнинг иккинчи бўлими бўла олмайди.

Уҳуд мушриклар учун қасос олиш бўлса, мусулмонларга нисбатан ислом тарихидаги энг етук дарслардан бири бўлди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурайш қўшинининг ўнг томонида Халид ибн Валид (у ҳали мусулмон эмасди) бошчилигидаги лашкарларни кўрдилар. Улар тоғнинг орқасидан бостириб келиб, мусулмонлар қуршовда қолишидан кўрқдилар. Шунинг учун етмишта (бошқа бир ривоятда

элликта) камончини тоғнинг тепасида қўйдилар. Уларга очиқ ҳарбий буйруқ бердилар:

«Ўрнингиздан қимирламанг. Гарчи мағлуб бўлаётганимизни кўрсангиз ҳам бизга ёрдам берманглар. Ғалаба қилаётганимизни кўрсангиз ҳам бизга шерик бўлманглар!»

Уруш бошланди. Мусулмонлар чиройли ҳаракат қилишди. Қурайш Бадрда кўрган азобларини яна кўра бошлади. Мушриклар қоча бошлади. Мусулмонлар уларни қува бошлади. Ҳалиги тоғда турган камончилар ҳам ғалаба ва ўлжадан насибадор бўлиш учун тоғдан тушишди. Ана шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўрққан ишлари содир бўлди. Холид орқа томондан ҳужум қилди. Мусулмонлар ўртада қолишди. Ғалаба мағлубиятга чалиниб йиқилди.

Бу итоатсизликдан яхши дарс олиниши керак:

«Бу уммат Пайғамбари ва қўмондонининг амрини бажармас экан, ғалабага эриша олмайди».

Бугун Уҳуд жанги тугаган бўлса-да, мусулмонларнинг ортини ҳимоя қиладиган камончилар хатоси тўхтагани йўқ.

Барча майдонларда бу динни ҳимоя қиладиганларга шарафлар бўлсин!

Бош эгиш ва турли рангларда тусланишдан воз кечиб, чўғни тутиб турганларга шарафлар бўлсин!

Улар заифлашганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ўрнингиздан қимирламанг!», деган овозларини эшитадилар.

Фарзандларини намоз, рўза ва гўзал ахлоқ ила тарбия қиладиган азиз оналар! Сиз бизнинг орқа томондан ҳимоя қиляпсиз. Ўрнингиздан қимирламанглар!

Фарзандларидан «Амма ятаса'алун» порасини сўраётган азиз оталар! Сиз бизни ордан келиб зарба берадиганлардан ҳимоя қиляпсиз. Ўрнингиздан қимирламанглар!

Бу авлодни тарбияласа яна Абу Бакрлар, Умарлар, Усмонлар чиқишига ишонадиган карамли устозлар! Сиз бизни орқа томондан ҳимоя қиляпсиз. Ўрнингизда маҳкам турунглари!

Бошлиқларидан олдин ўзларини Аллоҳ кузатиб турганини билиб, сидқидилдан, виждонан ишлаётган вазифадорлар! Сизлар бизни орқа томондан ҳимоя қиляпсиз. Ўрнингиздан қимирламанглар!

Ҳеч бир алдовсиз-хиёнатсиз бино қураётганлар, кўприк, метро ва йўллар бино қилаётган азиз муҳандислар! Сиз бизни орқа томондан ҳимоя қиляпсиз. Ўрнингиздан қимирламанглар!

Фарзанд парваришига тайёргарлик ўлароқ ўзларини ифбат асосида тарбиялаётган мастура қизлар! Сизлар бизни орқа томондан ҳимоя қиляпсиз. Ўрнингизда маҳкам туринглар!

Бомдод намозининг ёшлари! Қуръон дарслари ишқибозлари! Илм мажлислари ошиқлари! Сизлар бизнинг мустаҳкам қалқонимизсиз. Ўрнингиздан қимирламанглар!

Ҳар биримиз ўзимиз ҳақимизда ўйлаб кўрсак, бу диннинг ходими ва аскарари эканимизни англаймиз. Ҳар биримиз муҳим бир ўриндамиз. Қандайдир бўшлиқни тўлдирамиз, хатарни даф қиламиз. Аллоҳ бизнинг ҳар биримизни муҳим бир ўринга қўйган. Гарданимизга омонат ва масъулият юклаган.

Ўрнимиздан қимирламайлик!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.